


## ЎРТА АСРЛАР ХИТОЙ АДАБИЁТИ ДИСКУРСИ МАСАЛАСИ

 10.24412/2181-1784-2021-1-448-456

**Жасур Зиямухамедов,**

Филология фанлари номзоди, доцент

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Хитойшунослик факультети, Хитой филология кафедраси

Эл.почта: jas76@mail.ru

***Аннотация:**Мақолада ўрта асрларда хитой адабиётида кечган адабий жараёнлар ва улардаги ўзгаришлар таҳлил қилинади. Шу билан бирга Хитойда буддавийликнинг юзага келиши оқибатида, конфуцийчи расмий шахсларнинг кескин норозиликлари ва уларнинг нафратига сабаб бўлиши хитой адабий жараёнларида ҳам ўз аксини топганлиги борасида мунозаравий фикрлар билдирилади. Буддавийликнинг хитой адабиёти шаклланишига таъсири масаласи ҳам ёритилади. Бу даврда илмий-оммабон адабиётнинг асосий шакли тарих бўлиб, у мазмун ва моҳият жиҳатдан Хитойда энг қадрланган насрий асарлар ҳисобланганлиги ҳақида асосли хулосалар берилади.*

***Калит сўзлар:** дискурс, конфуцийлик, даосизм, буддавийлик, Хан даври, Танг даври, Сун даври, мўғуллар, хитой адабиёти.*

### **FORMATION OF THE CONCEPT OF INTELLECT IN FOREIGN PSYCHOLOGY**

***Abstract:** The article analyzes the literary processes that took place in Chinese literature in the Middle Ages and their changes. At the same time, it can be argued that the emergence of Buddhism in China, the harsh protests of Confucian officials and their hatred were also reflected in Chinese literary processes. It also highlights the question of the influence of Buddhism on the formation of Chinese literature. The main form of popular science literature during this period is history, and it can be concluded that this is the most valuable prose work in China in terms of content and essence.*

***Key words:** discourse, Confucianism, Taoism, Buddhism, Han period, Tang period, Song period, Mongols, Chinese literature.*

**Кириш.** Ўрта асрлар хитой адабиёти дискурсини конфуцийлик, даосизм ва буддавийлик ғоялари белгилайди. Конфуцийлик Хан сулоласининг Хитой давлатида ушбу мақомни ўзида сақлаб қолган ва Хан ўрнига келган расмий мафкура эди. Конфуцийлик Ўрта асрларда Хитойда аслзода қатламнинг дунёқарашини шакллантиришни давом эттирди.

Бироқ, Хан сулоласининг чўкиб бориши ва унинг ортидан келган шафқатсиз ҳокимият учун кураш жараёнида конфуцийлик ғоялари ўзига хос эътиқод тизимлари сифатида анча заифлашди. Конфуцийлик асосий диққат эътибори инсоннинг жамиятда қандай қилиб тўғри яшаши ва ўз ўрнини топиши масаласига қаратган ва унда инсоннинг ўлиmidан сўнг ҳеч қандай истиқбол кутмаслиги таъкидланган. Ўша даврда мамлакатда давом этган ғалаён (беқарорлик)лар жамиятнинг барча қатламларида кўпчилик хитойликларни мавжуд ҳаёт белгилаб берган доирадан тошиб чикувчи теран маъно-мазмунни излаб топиш сари ундаётган эди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Ҳаётнинг асл мазмунини излаш кўпчилик хитойликни даосизмга мурожаат қилишга мажбур қилди. III асрда баъзи адиблар даосизмни конфуцийлик таълимоти билан ўзаро мослаштиришга ҳам уриниб кўрдилар. Масалан, улар даосийликдаги ҳаракатсизлик концепциясини, конфуцийчиларга анафемани, ноўрин хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик сифатида талқин қилганлар, бу эса одамларнинг расмий равишда мартаба пиллапоаяларидан юқорилашга ҳаракат қилишда давом этиб, даосизмга эргашишга имкон берди ва шу тариқа даосизм кўплаб ўқимишли кишилар орасида конфуцийликдан кўра оммавийроқ тус олди. Хан салтанати инқирозга юз тутгандан кейин орадан бир неча аср ўтгач, даосизм ўз ибодатхоналари ва руҳонийларига эга бўлган уюшган динга айланди.

Даосизм кенг тарқалишининг акс таъсири натижасида “прото-фан” равнақ топа бошлади. Даосийларнинг асосий ташвиши бўлган бу дунёда абадий яшаб қолиш ғами кишиларни тиббиёт ва алкимёгарликни ўрганишга ундади. Кейинги асрларда бундай ҳолат йирик илмий ва технологик ихтиролар яратилишига олиб келди.

Ўрта асрларда Хитойда буддизм ҳам ўзининг абадий нажот ҳақидаги илоҳий хабарлари билан омма орасида кенг ёйила бошлади. Буддизм Хитойга Шимолий Ҳиндистон ва Марказий Осиёдан (кейинчалик Хитойда буддизмнинг энг оммалашган шаклига айланган Махаяна кўринишида) Милодий I асрда етиб келди. Уни дастлаб хорижий савдогарлар ва роҳибларнинг кичик жамоалари амалиётда синаб кўрдилар. Хитойнинг анча ўқимишли кишилари

бундай бегона динни салбий қабул қилдилар. Бунинг боиси мазкур диннинг ўзга ердан келиб қолганлиги эмас, балки айрим буддавийлик ақидаларининг конфуцийлик таълимотига мутлақо зид эканлиги эди. Шуниси диққатга сазовор эдики, буддизм инсонни бу дунёнинг неъматларидан, шу жумладан оилавий муносабатлардан воз кечишни тақозо этар эди; конфуцийликда эса оила муқаддас иттифоқ сифатида қабул қилиниб, унинг бирламчи аҳамият касб этиши уқдирилмоқда эди.

Хан салтанати ҳукмронлигининг сўнгги даврида буддавий ёзма ёдгорликлар хитой тилига таржима қилина бошлади, гарчи ўша пайтда бундай ишлар хитойлик буддавийлар томонидан эмас, хорижий миссионерлар томонидан амалга оширилган. Балки шу боис бундай таржима матнларига кейинчалик шубҳа билан қаралган бўлиши мумкин.

Хан ҳукмронлиги таназзулга юз тутгандан кейин буддавийлик динининг ёйилиши янада жадаллашди. Бундан олдин конфуцийликка эътиқод қилмаган Шимолий Хитойни истило қилган кишилар бошқа динга ўтиш мойил эдилар, аммо бу даврга келиб хитойликларнинг ўзлари ҳам буддавийлик динини қабул қила бошлаган эдилар. Буддавий ибодатхоналари ва монастирларининг сони ўсиб, кўплаб хитойликлар роҳибликка кира бошладилар.

**-Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Буддизмнинг кенг ёйилиши ҳамма жойда кишиларнинг буддавий матнларнинг аниқ таржималарига қизиқишларига сабаб бўлди. Шимолий Вей ўлкасида ҳукуматга қарашли таржима бюрolari ташкил этилди. Дастлаб бундай таржима бюрolarидан буддавийларнинг муқаддас ёзувларини таржима қилиш иши билан хорижлик мутахассислар иш олиб бордилар. Аммо тез орада бу ишни хитойликларнинг ўзлари амалга оширишга киришдилар. Умрининг 16 йилини Ҳиндистон саёҳатига бағишлаган Фасян (337-422) ўша даврнинг энг машҳур хитойлик буддавий роҳибларидан бири эди. У буддавийликка оид энг ишончли матнларни топишга муваффақ бўлди. У хориж саёҳатидан қайтгач, умрининг қолган қисмини ўзи қўлга киритган матнларни хитой тилига таржима қилиш билан ўтказди. Унинг Ҳиндистонга қилган саёҳати бўйича ёзган ҳисоботидан ҳинд жамияти ва ўша даврдаги ҳиндларнинг дини тўғрисида қимматли тасаввурлар ўрин олган эди [8].

Буддавийлик дини Хитойда кенг тарқала бориш билан бирга вақт ўтиши билан даосизм таъсири боис аста-секин ўз мазмун-моҳиятини ўзгартира борди. Туб илдизлари Ҳиндистон ёки Марказий Осиёга бориб тақалувчи, аммо даосизмдан ўзлаштириб олинган медитацион техникалари (жиҳатлари) билан

тез орада хитойларга хос хусусиятларга эга бўлган Покиза Замин мазҳабининг равақ топганлиги бунинг ёрқин мисолидир. V асрнинг бошларида чамаси Марказий Осиё ёки Ҳиндистондан Хитойга келган буддавий роҳиб Бодхидхарма теран медитациянинг қанчалик муҳим эканлигини таъкидлаган эди. Бодхидхарма таълимоти Чъан буддавийлигининг кейинги юксалиш давларида илҳом манбаи бўлган.

Хитойда буддавийликнинг юзага келиши, табиийки, конфуцийчи расмий шахсларнинг кескин норозиликлари, нафратига сабаб бўлди. Шундан бўлса керак, улар баъзи-баъзида буддавийларнинг тинчлигини ҳам бузиб турдилар. Ўша даврда императорларнинг бир қисми диндор буддистлар бўлган бўлса, бошқалари конфуцийчи эдилар. Бу, айниқса, буддавийлик дини баъзида давлатнинг амалдаги расмий дини саналган, аммо кўп ҳолларда қаттиқ таъқибга учраган Шимолий Вейга хос ҳолат эди.

Цзин империяси ҳукмронлиги даврида Хитойнинг жанубида буддавийлик кенг тарқалиши олдиндан маълум ва равшан эди. Бу дунёнинг қадриятлари, неъматларини рад этган даосизмга кириб қолган кўплаб ўқимишли зиёли кишилар буддизмни қабул қилишга тайёр турар эдилар.

VI асрнинг ўрталарига келиб буддавийлик бутун Хитой бўйлаб ҳукмдор саройларидан тортиб қишлоқларга қадар мустаҳкам ўрнашди. У шунчалик машҳур бўлиб, оммавийлашиб кетган эдики, Хитой ягона тузум остида бирлашганда, Суй сулоласи асосчиси император Венди буддавийлик ибодатхоналари ва монастирлари ҳомийлик қилиб буддавийликни бир халқ дини сифатида тарғиб қилиб, ўзини буддавий монарх ўлароқ кўрсатишга бор кучи билан ҳаракат қилди.

Буддавийлик Хитой жамиятининг ҳамма босқичларида ўз таъсирини кучайтирди – дарҳақиқат, айнан ўша даврда ушбу дин Хитойда, айниқса ҳукмрон синфлар орасида ўзининг энг юқори обрў-эътибор чўққисига кўтарилган эди.

Тайцзун ҳукмронлиги даврида таниқли буддавий сайёҳ Сюанцзан Фасян ортидан эргашиб, ўз миссиясини адо этиш учун Ҳиндистонга йўл олади ва у ердан (орадан 17 йил ўтиб) кўплаб буддавий матнлар (шунингдек, диний ёдгорлик ашёлари ва ҳайкаллар)ни олиб келади. Худди Фасян сингари, у ҳам қолган умрини ана шу матнларни хитой тилига таржима қилишга бағишланган. Унинг таржималари ўша пайтгача қилинган таржималардан энг мукаммали бўлиб, унинг ёзган шарҳлари хитойликларнинг буддавийлик таълимотини тушунишларига катта ёрдам берган.

Буддавий монастир (ибодатхона)лари Илк Тан даврида ўсишдан тўхтамади. Уларга императорлар улкан мулклар, кенг ер майдонлари ажратиб бердилар. Бунинг устига конфуцийлик Суй даврида бўлгани каби империя ҳукуматининг расмий мафкураси бўлиб қолди; конфуцийлик матнлари эса расмий имтиҳонлар топширувчи номзодлар учун асосий имтиҳон мавзуси бўлиб қолди.

Бироқ, бир неча асрлик бўлиниш даври мобайнида конфуцийлик ўзининг маърифат воситаси ва ҳукуматнинг расмий мафкураси мақомини сақлаб қола олди. Юқори мартабали давлат хизматчиларининг конфуцийлик фалсафасини яхши билишлари ва умуман шахсий қарашларида ҳам, ҳатто ўз шахсий ҳаётларида буддавийлик билан шуғулланганларида ҳам конфуцийчи бўлиб қолишлари тахмин қилинган. Суй ва Тан императорлари ўз маъмуриятларининг садоқатларини сақлаб қолиш учун уларнинг ҳам конфуцийчилар, ҳам буддавийларнинг идеал ҳукмдорлари сифатида кўрсатишга бутун кучлари билан интилганлар. Масалан, уларнинг конфуций битикларини билиш даражалари давлат хизматига қабул қилиш имтиҳонлари чоғида жиддий теширилган.

Буддизм Хитойда илк Танг даврида энг юқори чўққисига кўтарилди ва кўп йиллар ҳукмронлигини давом эттирди. Буддавий ибодатхона (монастир)лар қўл остида бўлган улкан бойликлар пул маблағлари камлигидан азият чекаётган ҳукумат учун ўта сержозиба мақсадга айланди.

841 йилдан 845 йилга қадар буддавийлик кенг миллий миқёсда таъқиб остига олинди. Бутун Хитой мамлакати бўйлаб монастирларнинг аксарият қисми ёпиб қўйилди. Уларда хизмат қилувчи роҳиблар эса (улардан салкам чорак миллиони) оддий ҳаёт тарзига қайтдилар. Уларнинг ер-мулклари солиқ регистрларига қайтарилди [8].

Бироқ, буддизм оддий одамларнинг қалби ва онгу шуурида шу қадар мустаҳкам ўрнашган эдики, уни осонликча бостириш имконсиз эди. XX асрга қадар Хитойдаги шаҳар ва қишлоқларда энг оммавий дин бўлиб қолаверди (ва шу кунгача сақланиб қолганда). Бироқ буддавийлик кутилмаганда зиёли аслзода табақага кўрсатиб келган таъсирини бутунлай йўқотди деб ўйламаслик керак. Дарҳақиқат, мингдан ортиқ жилддан иборат буддавийлик битиклари тўла тўпламининг нашр этилиши нафақат Сун даври тарихи ва Хитой тарихи, ҳатто жаҳон тарихидаги буюк нашр лойиҳаси ҳисобланади.

Тан салтанатининг конфуцийликдаги уйғонишнинг дастлабки тўлқинларига гувоҳ бўлиши сабаби институционал буддавийликнинг

таназзулга юз тутиши билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Қадимги конфуцийлик жамият ва унинг аъзоси бўлган инсоннинг ўрни тўғрисидаги таълимотларнинг жами эди. Эрамиздан аввалги III асрда даосизм ва буддавийлик тафаккури юксалиши билан кишилар ҳаётларининг энг қийин дамларида ўзлари учун тасалли топиш, дуруст яшаш, ҳалол турмуш кечиришга ўргатувчи таълимот сифатида унга мурожаат қилганлар. Конфуцийлик расмий давлат мафкураси сифатида ҳукм суришга давом этиб ўқимишли, зиёли хитойликларнинг қалбларини эгаллаб туришда қола бошлади. Маънавият ёки интеллектуал манфаатлар манбаи сифатида у узоқ вақт давомида ўз таъсирини кўрсатмай келди.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Конфуцийликнинг янгидан уйғониши бир қатор мутафаккирларнинг икки аср давомида олиб борган ишларининг амалий натижаси эди. Улар конфуцийлик таълимотига янги унсурларни олиб кирдиларки, ҳозирги замон алломалари ушбу фалсафани “неоконфуцийлик” деб атайдилар.

Неоконфуцийчи мутафаккирлари буддавийлик ва даосизмдан метафизик ва космологик унсурларни ўзлаштириб олдилар ва бунга нисбатан принципиал ўзига хосликларни қўллаган ҳолда, конфуцийликни ўқимишли, зиёли кишилар қалби ва онгига янада чуқур таъсир кўрсатиши мумкин бўлган эътиқодлар тизимига айлантиришга муваффақ бўлдилар. Даосизм ва буддизмдан фарқли ўлароқ, неоконфуцийликнинг асосий хусусияти (муждаси) шундаки, инсон мукамалликни бу дунёда, ижтимоий фаолиятда топиши керак. Инсон жамиятдан алоҳида ажралмаган, ундан четда қолмаган ҳолда (даосизм) ёки уни рад этиб (буддизм), жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этган ҳолда, ўз имкониятлари ва салоҳиятини рўёбга чиқариш ва “тўғри ҳаёт” кечириш имкониятига эга. Неоконфуцийчилар ўзларини ижтимоий ва сиёсий ислохотлар: дунёни мавжуд ҳолатидан кўра янада яхшироқ қилишга, имкон қадар ўзларининг саводларини чиқариб, янада камолотга етказиш ишига бағишлашлари лозим.[3]

Неоконфуцийлик мутафаккирлари ижтимоий ва сиёсий ислохотлар оиланинг жамият пойдевори сифатида қайта тикланиши масаласи атрофида тўпланиши лозимлигини уқтирганлар. Шунингдек, улар давлатнинг ижтимоий таъминот соҳасидаги фаоллашиши кераклигини ҳам таъкидлаган ҳолда, шогирдларини бошқаларга раҳм-шафқат кўрсатишга ундаганлар.

Бундай фикрлар ўзларини давлат хизматида бағишлаган ва буни ҳаётларининг мазмуни деб билган олимлару мансабдор кишилар синфига

нисбатан билдирилган эди. Конфуцийлик анча қуруқ илмий таълимотлар тўпламидан аслзодалар табақаси (элита)нинг эътиқодлар тизимига айланди. Ушбу тизимда инсоннинг бу дунёнинг кенг контекстида тутган ўрни инсоннинг унга қўшган ижобий ҳиссаси билан белгиланади.

Конфуцийликни қайта тиклашга қаратилган бундай уринишлар шу қадар муваффақиятли амалга ошдики, Сун сулоласи даврида конфуцийлик таълимоти давлат хизматида кириш учун топшириладиган имтиҳонлар тизими учун аввалгидан кўра муҳимроқ аҳамият касб этди.[5] Суй ва Тан даврида бўлгани каби жорий юмушлар ва амалий бошқарув билан боғлиқ бошқа масалалар кўтарилмади, бунинг ўрнига имтиҳонлар “мумтоз” конфуцийлик масалалари билан чекланди.

Мўғуллар даври ўзининг диний бағрикенглик хусусияти билан ажралиб турарди. Мўғуллар дастлаб шаманизмни амалда қўллаб кўрганлар, аммо улар бу нарсани ўз қўл остларидаги кишиларга нисбатан жорий қилишга уринмаганлар. Вақт ўтиши билан улар ўз қўл остларидаги кишиларнинг диний эътиқодларини ўзлаштира бошлаганлар. Ғарбий Осиёда бу исломни англатар, аммо Хитойда конфуцийликдан кўра даосизм ва буддизмни устун қўйилган. Даосизмга ҳам, буддавийликка ҳам мўғуллар саройи расмий равишда ҳомийлик қилганлар – мўғуллар даосистларнинг фолбинликка ва буддавийларнинг ранг-баранг маросимларга урғу беришларини хуш кўришган. Мўғуллар кўпроқ тибет буддавийлигини яхши кўрганлар.

Мўғулларнинг конфуцийликка бўлган илк муносабати ақл бовар қилмайдиган нафратнинг ифодаси эди. Бироқ, улар бутун Хитойни босиб олганларидан сўнг, Хубилойхоннинг ўзини Хитойнинг қонуний императори сифатида кўрсатишга қаратилган сиёсати саройда конфуцийлик маросимларини тикланишига олиб келди. Хубилойхон ва унинг баъзи ворислари конфуцийлик маълумотига эга бўлган амалдорларни қадрлашган.

Рим империясининг таназулга юз тутиши ордан саводхонлик даражасининг кескин пасайиши юз берган Ғарбий Европадан фарқли ўларок, Хан империяси қулаганидан кейин Хитойда бундай бўлмаган. Бу, асосан, маҳаллий (туб) хитой сулолалари даврида анча тинч-осойишта ҳукм суриб турган Жанубий Хитойга хос ҳолат эди: таълим ва саводхонлик даражаларига ўша даврдаги сиёсий беқарор вазият ҳеч қандай таъсир қилмаган кўринади.[4] Ҳатто Шимолий Хитойда ҳам, парчаланиб, бўшаб, хувиллаб қолган бўлса ҳам, аслзода оилалар (элита) ўз фарзандларини ўқитиш имкониятига эга бўлганлар ва саводхонлик, Хан ҳукмронлигига қараганда анчайин чекланган бўлишига

қарамй, Ғарбий Европа даражасида сақланиб турган. Ушбу ҳолат хитой адабиётининг ривожланишига кўмак берган.

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Қадимги Хитой насри ўзининг фикрни қисқа ва лўнда ифодалаш имкониятлари билан ажралиб турган. Хан давридан кейинги давр насри унчалик ишончли бўлмасда тавсифий, баён тусини олишга мойилроқ бўлган. Вақт ўтиши билан Хан даври насри тобора такомиллашиб, нозик таъбларга мос тус ола борди. Айниқса, Хитойнинг жанубида, бундай ҳолат иқтидорли адибларга ижобий таъсир кўрсатиши ва самарали бўлиш билан бирга, унчалик юксак истеъдодга эга бўлмаган ёзувчилар учун анчайин сунъий ва ҳаддан ташқари имконсиз нарса эди.

Бу асрларда илмий-оммабоп адабиётнинг асосий шакли тарих бўлиб, у мазмун ва моҳият жиҳатдан Хитойда энг қадрланган насрий асарлар ҳисобланган. Аввал ҳукмронлик қилиб ўтган сулолалар тарихи яратилган. Бунга баъзан саройнинг ўзи бевосита ҳомийлик қилган. Тан даврида Хан сулоласи ҳукмронлиги даврида Сим Цян томонидан баён қилинган принциплар асосида Суй сулоласи тарихини яратиш бўйича ҳукумат комиссияси ташкил этилган. Бундан кейинги барча сулолалар ушбу ўрнакка амал қилиб борганлар. Бошқа тарихий асарлар, айниқса илгари ўтган сулолалар ҳақидаги деярли расмий бўлмаган ҳикоялар хусусий шахслар томонидан яратилган[8].

Илмий-оммабоп адабиётнинг яна бир жанри – буддавий ва даос авлиёлари ҳаёти ҳақидаги ҳикоялар ҳисобланади. Бундай асарлардан баъзилари драматизмнинг юқори даражасига кўтарилган. Адабий ва бадиий танқидга доир асарлар Хитойнинг жанубида Хандан кейинги даврда нашр этила бошланган бўлиб, ўша пайтдан эътиборан хитой илмий-оммабоп адабиётининг муҳим таркибий қисмига айланган.

Хан сулоласи ҳукмронлигидан кейинги давр шеърляти Хан давридан ши (қисқа ва жуда интизомли) ва фу (анча узун, фасоҳат билан, сўзга пардоз бериб) формат (шакл)ларини мерос қилиб олди. Бу даврда шеърлят анча эркин ва ритмик тус олди. Жанубдаги бўлиниш даврининг ўзига хос хусусиятларига жавобан “тартибга солинадиган ши” шакли, яъни шеърлардаги ритм ва қофияларга тобора кўпроқ қоидалар ўрнатиладиган ши услубидаги шеърлар пайдо бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Тан даврининг ўрталари анъанавий равишда Хитой шеърлятининг энг юқори чўққига юксалган даври сифатида қаралади. Тан даврининг ўрталари анъанавий равишда Хитой шеърлятининг энг юқори чўққига юксалган даври



сифатида қаралади. Ўша даврда етишиб чикқан буюк шоирлар ўқувчининг ўз шахсий тасаввурлари ва фикрларига таянган ҳолда бор-йўғи бир нечта сўз ёрдамида бир сахна ёки вазиятни яратишда намоён бўлувчи ши вазмин импрессионистик<sup>1</sup> услубини яратган усталар бўлишган[9].

## АДАБИЁТЛАР

1. Балаш, Э. Китайская цивилизация и бюрократия. Нью-Хейвен: Издательство Йельского университета. 2012.
2. Бокщанин, А. Лики Срединного царства. Занимательные и познавательные сюжеты средневековой истории Китая [Электронный ресурс]. - Москва: «Издательство» Ломоносовъ», 2015.
3. Воскресенский, Д.Н. Литературный мир средневекового Китая: китайская классическая проза на байхуа : собрание трудов / Д. Н. Воскресенский; Московский гос. ун-т им. им. М. В. Ломоносова, Ин-т стран Азии и Африки. - Москва : Восточная лит., 2006.
4. Жентель, П. и др. Китай, народы и цивилизация. Париж: La ddcouverte, 2004. - с. 145-183.
5. Зиямухамедов Ж. Пу Сунглинг ва ўрта аср хитой новеллалари. –Т.: Чўлпон, 2016.
6. Смертин Ю. Г. Поэзия и вино в средневековом Китае //Манускрипт. – 2020. – Т. 13. – №. 4.
7. Мэйр, В.Х. Краткая Колумбийская антология традиционной китайской литературы. Нью-Йорк: издательство Колумбийского университета, 2000.
8. Barrett T. H. Buddhism, Taoism and the eighth-century Chinese term for Christianity: a response to recent work by A. Forte and others //Bulletin of the School of Oriental and African Studies, University of London. – 2002. – Т. 65. – №. 3. – С. 555-560.
9. Kao, Karl S. Y. 1985. Classical Chinese Tales of the Supernatural and the Fantastic: Selections from the Third to the Tenth Century. Bloomington: Indiana University Press.

<sup>1</sup> Фр. Impression. – таассурот. Импрессионизм - санъатдаги йўналиш.